

МАРКАЗЛАШГАН ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА ХИЗМАТИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ҲАМДА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Гулбоев Азизжон Акмалович

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги етакчи мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14751136>

Аннотация: Мақолада марказлаштирилган ичимлик суви тизимининг самарадорлигини ошириш ва сув балансини шакллантириш муаммолари, уларни бартараф қилиш йўллари кўриб чиқилган. Бунда бугунги кунда сув таъминоти билан боғлиқ ўта муҳим бўлган устувор вазифалар кўрсатилган. Шунингдек, ушбу долзарб вазифаларни амалга оширишда мавжуд бир қанча муаммолар борлиги эътироф этилган ҳолда уларнинг ечимлари ҳақида ҳам таклифлар берилган.

Калит сўзлар: сув, ичимлик суви, сув таъминоти, сув таъминоти ҳисоби, сув иншооти, сув ресурслари, ичимлик сув таҳлили, сув истеъмолчилари, омиллар.

EFFICIENCY OF CENTRALIZED DRINKING WATER SUPPLY AND SEWAGE SERVICE ENTERPRISES AND WAYS TO IMPROVE THEM

Abstract: The article considers the problems of increasing the efficiency of the centralized drinking water system and forming a water balance, as well as ways to eliminate them. It indicates the priority tasks that are extremely important today related to water supply. It also recognizes that there are a number of problems in the implementation of these urgent tasks, and offers suggestions for their solutions.

Keywords: water, drinking water, water supply, water supply accounting, water construction, water resources, drinking water analysis, water consumers, factors.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ РАБОТЫ ПРЕДПРИЯТИЙ ЦЕНТРАЛИЗОВАННОГО ПИТЬЕВОГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ И ВОДООТВЕДЕНИЯ И ПУТИ ЕЕ ПОВЫШЕНИЯ

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы повышения эффективности централизованной системы питьевого водоснабжения и формирования водного баланса, а также пути их преодоления. В нем изложены наиболее важные приоритеты, связанные с водоснабжением на сегодняшний день. В нем также признается, что при реализации этих неотложных задач существует ряд проблем, и предлагаются предложения по их решению.

Ключевые слова: вода, питьевая вода, водоснабжение, учет водоснабжения, водная инфраструктура, водные ресурсы, анализ питьевой воды, водопотребители, факторы.

КИРИШ

Мамлакатимизда сувдан оқилонга фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳамisha долзарб бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас, балки янада актуал тус олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясига асосан республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ҳамда йирик шаҳарлар ва туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш белгилаб олинди. Шунингдек, Президентимизнинг 2023 йил 24 октябрда “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-343-сон Қарори ҳам тасдиқланган бўлиб, ушбу қарор билан республика истеъмолчиларини тоза ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ҳамда оқова сув хизматларини яхшилаш борасида кўрилатган изчил чораларни янада жадаллаштириш, ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари қамровини ошириш, соҳанинг трансформация жараёнини жадаллаштириш ҳамда корхоналарнинг молиявий-

иқтисодий аҳволини янада мустаҳкамлаш белгилаб берилди. Мазкур вазифалар ижроси доирасида сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотларни давом эттириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бозор муносабатлари такомиллашиб бораётган бир шароитда ҳар бир соҳада рақобат муҳити яратилсагина барқарор тараққиётга эришилади. Сувдан фойдаланишни самарали тартибга солишнинг имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Хусусан, соҳада жозибадор инвестиция муҳитини яратиш орқали ичимлик сувни тарқатиш жараёнларида давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий қилиш, соҳага хусусий инвестицияларни йўналтириш орқали сув ресурсларини етказиб беришда хусусий секторни жалб қилиш бўйича янги босқичдаги ишлар олиб борилмоқда. Дарҳақиқат, ичимлик сувини ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача бўлган самарали тизимни жорий этиш, уни ҳисобга олиш, сув ҳисоблагичларни тўлиқ ўрнатиш ва йўқотишларни камайтириш, соҳани рақамлаштириш, узлуксиз, сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатилишини таъминлашда энг самарали йўл – бу соҳанинг маълум фаолиятини хусусий секторга бериш ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, ушбу неъмат билан аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини таъминлаш, хавфсиз ва сифатли сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, сув балансини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш масаласи ўта муҳим ва устувор вазифалар сирасига киради. Республикада марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси, соҳадаги мавжуд камчиликлар ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова хизмати корхоналарининг жорий ҳолати юзасидан қуйидаги мулоҳазаларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан,

1. Марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси:

- бугунги кунда республиканинг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 79,9 %ни ташкил этиб,¹ йил бошига нисбатан 2 % га ўсган. Бироқ “Ўзсувтаъминот” АЖнинг “2024 йил – Бизнес режаси”га кўра бў кўрсаткич 77 %дан 81 % етказилиши белгиланган эди;²

- республика марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси паст бўлган туманлар 22 тани ташкил этиб, унда истиқомат қилувчи **4 миллион аҳолидан 1,6 миллион таси ёки 41 %и марказлашган ичимлик суви таъминотига ўланган холос.** Хусусан, мазкур туманлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти – 2 тадан, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд – 3 тадан, Сурхондарё – 4 та, Қашқадарё вилоятида – 5 тани ташкил этмоқда;

- маҳаллалар кесимида таҳлил қилинганда, бугунги кунда жами 9 454 та МФЙдан 5 238 таси (55 %) тўлиқ ва 3 469 таси (37 %) қисман марказлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, қолган 747 таси (8 %) марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган.

2. Ичимлик суви ишлаб чиқариш ҳамда истемолчиларга етказиб бериш:

- маълумотларга кўра, жорий йил давомида 1 151 млн м³ ичимлик сув ишлаб чиқарилган бўлиб, шунинг учдан бир қисми истеъмолчиларга етиб бормасдан тизимда йўқотилиши айтилмоқда. Жумладан, йўқотишлар Тошкент вилояти – 44 %, Қорақалпоғистон – 37 %, Тошкент шаҳрида – 36 %, Сирдарёда – 35 %, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд ва Фарғонада – 34 %, Наманганда – 33 %, Хоразмда – 31 %, Бухорода – 27 %ни ташкил этмоқда;

- бугунги кунда, корхоналар томонидан хизмат кўрсатиб келинаётган жами 5 млн га яқин абонентлардан 1,1 млн таси (22 %)да истеъмол қилинаётган ичимлик суви ҳисоб-китобини юритиш учун сув ҳисоблагичлар билан таъминланмаган. Шу билан бирга,

¹ https://pm.gov.uz/uz/lists/view/2474?sort=-received_at

² <https://www.gazeta.uz/uz/2024/04/30/water>

12,2 минг та ичимлик ва оқова суви иншоотларининг катта қисми сув ҳисоблагичлар (ўлчов приборлари) билан жиҳозланганмаган.

3. Истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчиларнинг тўловчанлик даражаси:

- истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар учун йиғувчанлик даражасининг пастлиги сабаб, корхоналарнинг дебитор қарздорликлари йил бошига нисбатан 33 млрд сўмга, юридик истеъмолчиларнинг қарздорлиги 2 баробаргача ошган. Натижада, корхоналарда бирламчи харажатлар ҳамда молиявий мажбуриятларини бажариши муддатлари кечикмоқда;

- истемолчиларга кўрсатилган хизматлар учун ундирилаётган тўловлар бўйича йиғувчанлик (ундирув) даражаси 72 фоизни ташкил этган бўлиб, нисбатан паст кўрсаткич Андижон 44 фоиз, Қашқадарё 47 фоиз, Жиззах ва Сирдарё 56 фоиз, Сурхондарё 64 фоиз, Фарғона, Хоразм ва Наманган 69 фоизни ташкил этмоқда.

4. Ичимлик суви таъминоти корхоналарининг молиявий фаолияти:

- маълумки, йил бошидан барча ҳудудларда марказлашган ичимлик сув ва оқова хизматлари тарифлари қайта кўриб чиқилган бўлиб, ўртача 20 фоиздан – 100 фоизгача ёки 800 сўмдан 1 500 сўмгача оширилган ҳолда янги тарифлар барча харажатларини қоплайдиган даражада етказилган, бироқ ичимлик суви таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолати ва операцион самарадорлиги яхшиланмаган.

Мисол учун, 2023 йил якуни бўйича ичимлик суви таъминоти корхоналарининг даромадлари 1,9 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 8 %га ортган. Харажатлар 2,4 трлн сўмга ошиб, корхоналар фаолиятини 421 млрд сўм зарар билан яқунлаган;

- ўтган 2024 йилда ҳам ичимлик суви таъминоти корхоналарининг зарар билан яқунланиши кутилмоқда. Жумладан, жорий йил 10 ойида Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Андижон ҳамда Тошкент вилоятлари энг кўп зарар билан яқунлаган ҳудудлар ҳисобланади;

5. Давлат дастурлари ва Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар бўйича:

- ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларини яхшилаш бўйича 235 та объектга жами 1 790 млрд сўм ажратилган. Бироқ, аввалги йилларда белгиланган муддатларда қурилиш-монтаж ишлари яқунланмаган ва фойдаланишга топширилмаган ёки қурилиши тугалланиб, қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб корхоналар камровига олинмаган объектлар мавжуд;

- халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан давлат кафолати остида 20 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Мазкур лойиҳалар бўйича жорий ҳам белгиланган ўзлаштириш прогноз кўрсаткичлари ўз вақтида бажарилмаганлиги натижасида жорий йилда яқунланиши белгиланган лойиҳалар тўлиқ яқунланмаслигига олиб келиб, ичимлик суви таъминоти корхоналарнинг мазкур даврда даромади чекланишига олиб келмоқда.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

а) ичимлик сув таъминоти ва оқова сув соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш, узоқ муддатли истиқболни белгилаш мақсадида соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича стратегияни тез фурсатларда тасдиқлаш;

б) корхоналарда ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда уларнинг фаолиятини рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва бунда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

в) ичимлик сувини ишлаб чиқаришдан якуний истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёни назоратга олиш тизимини жорий этиш, ҳисоблагичларини тўлиқ ўрнатиш ва йўқотишларни камайтириш (зарур ҳолларда дастур ишлаб чиқиш);

г) ҳар бир зарар кўриб ишлаётган ҳудуддаги корхоналар учун индивидуал тартибда алоҳида уларни молиявий соғломлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

д) корхоналарнинг операцион самарадорлигини ошириш, дебитор ва кредитор қарздорликларни қисқартириш ҳамда ноишлаб чиқариш харажатлари ўсишига йўл қўймаслик ҳисобига сарф-харажатларни қисқартириш орқали уларнинг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

е) соҳада электр энергияси истеъмолини камайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадида, маънан эскирган насос ускуналарини энергия тежамкор ускуналарга алмаштириш, сув иншоотларида частота ростлагичлар (ПЧТ), насосларни бир маромда ишлатувчи жиҳозлар билан таъминлаш (плавный пуск) ҳамда сув минораларига сатх датчикларини ўрнатиш, шунингдек, лаборатория мутахассисларининг малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

ж) давлат дастурлари ва халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар бўйича Бизнес режасида белгиланадиган йиллик ўзлаштириш прогнозларининг бажарилишида “Ўзсувтаъминоти” АЖ бошқарув органлари қатъий назоратини жорий этиш ҳамда ижро органини КРІ кўрсаткичларига тақбиқ қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрда “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5883-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрда имзоланган “Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-4536-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6200-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 октябрда “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-343-сон Қарори.
6. https://pm.gov.uz/uz/lists/view/2474?sort=-received_at
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/04/30/water>